

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОҲ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-2



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-SI-2>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslovovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Egamberdiyev Eminjon

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


1. Қиличев Хайрулла Маматович ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ФУҚАРОЛИК- ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	5
2. Ubaydullayev Abror Qutpilla o‘g‘li ISLOM MOLIYA HUQUQI: TUSHUNCHASI, MAZMUNI VA ISTIQBOLLARI.....	15
3. Ходжаев Бахшилло Камолович ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ СИФАТИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР ТРАНСФЕРИ ВА УНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ.....	21
4. Юсупова Мухбира Абдухоликовна ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ И ПРОБЛЕМЫ ИХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОГО ГРАЖДАНСКОГО ОБОРОТА.....	29
5. Жуманов Тўлқинбой Саттарович ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА КАДРЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР.....	40
6. Абзалова Хуршида Мирзиятовна ЧТО ОЗНАЧАЕТ «ПРАВО НА ЗАБВЕНИЕ» («ПРАВО БЫТЬ ЗАБЫТЫМ, ПРАВО НА УДАЛЕНИЕ ДАННЫХ»)?:.....	48
7. Имомназаров Алишер Хасанович КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШИ.....	56
8. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович, Мамазова Зарифа Курбановна ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР РАҚОБАТИДА ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИГА КЎРА ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	68
9. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович, Рашидов Фируз Туйғунович ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИНГ ҲУДУД БЎЙИЧА АМАЛ ҚИЛИШИ.....	78
10. Аҳмадов Алимардон Аҳмадович “ЖИНОИЙ АКТИВЛАР”НИ ҚАЙТАРИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР.....	90
11. Баракаев Лазизжон Отақулович ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА ТАФТИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	104
12. Турсунова Маликахон Улуғбековна РАҚАМЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНИНГ ДИПЛОМАТИК ХИЗМАТГА ТАЪСИРИ: ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	113



Имомназаров Алишер Хасанович,
Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш
Академияси мустақил изланувчиси
E-mail: i.alisher1982@mail.ru

КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШИ

For citation: Imamnazarov Alisher Khasanovich. STAGED DEVELOPMENT OF INVESTIGATORY ACTION OF INSPECTION. Journal of Law Research. 2023, Special issue 2, pp.56-67

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8113961>

АННОТАЦИЯ

Мақолада жиноятларнинг ўсиб бориш тенденциялари кўрсатилган, статистик маълумотлар баён қилинган, кўздан кечириш тергов ҳаракатининг пайдо бўлиши, Ману қонунлари, “Си-Юань-лу” асари ва бошқа манбаларда кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби баён қилинган, ушбу институтнинг босқичма босқич такомиллашиб бориш жараёнлари таҳлил қилинган. Унда ҳудудимизда амалда бўлган Жиноят-процессуал кодексларда акс этган кўздан кечиришга оид моддаларнинг ўзгариб, ривожланиб бориш тенденциялари, уларнинг амалиётга таъсири таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: кўздан кечириш, кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш тактикаси, кўздан кечириш тергов ҳаракатида замонавий технологиялардан фойдаланиш, электрон (рақамли) далилларни олиш.

Имомназаров Алишер Хасанович,
Самостоятельный соискатель Правоохранительной
академии Республики Узбекистан
E-mail: i.alisher1982@mail.ru

ПОЭТАПНОЕ РАЗВИТИЕ СЛЕДСТВЕННОГО ДЕЙСТВИЯ ОСМОТРА

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются тенденции роста преступности, описаны статистические данные, дана информация о возникновении следственного действия осмотра, законах Ману, «Си-Юань-лу» и других источниках, описана порядок проведения осмотра, анализируется процесс возникновения и поэтапное совершенствование следственного действия как осмотра. Описываются изменения статей об осмотре, отраженные в действовавших в нашем регионе Уголовно-процессуальных кодексах, и их влияние на практику.

Ключевые слова: осмотр, тактика осмотра, использование современных технологий при осмотре, получение электронных (цифровых) доказательств.

Imamnazarov Alisher Khasanovich,
Independent researcher of Law Enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan
E-mail: i.alisher1982@mail.ru

STAGED DEVELOPMENT OF INVESTIGATORY ACTION OF INSPECTION

ANNOTATION

The article analyzes the growth trends in crime, describes statistical data, provides information on the occurrence of the investigative action of the inspection, the laws of Manu, "Xi-Yuan-lu" and other sources, describes the procedure for conducting the inspection, analyzes the process of occurrence and gradual improvement of the investigative action as an inspection. It describes the changes in the articles on inspection, reflected in the Codes of Criminal Procedure in force in our region, and their impact on practice.

Keywords: inspection, interrogation tactics, use of modern technologies in interrogation, obtaining electronic (digital) evidence.

Дунёда экспертларнинг баҳолашига кўра, “тахминан ҳар соатда 200000 та жиноят содир этилади”. Кибержиноятлар 21 аснинг энг муҳим жиноятларидан бири бўлиб, ушбу жиноятни тергов қилиш самарадорлиги бор йўғи 0,05%ни ташкил қилади. 2021 йилда 75 та давлатда 7 мингдан ортиқ терактлар содир этилганлиги, яъни бир кунда 30 тагача жиноят содир этилишини билдиради. Ушбу жиноятларнинг аксариятида биринчи, “кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати сифатида кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказилади”. Жиноятларни кўздан кечириш тартиби эса замонавий ёндашувни талаб қилади.

Жаҳонда кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш тактикаси, кўздан кечириш тергов ҳаракатида замонавий технологиялардан фойдаланиш, кўздан кечиришда рақамли далилларни топиш, тўплаш, портлашдан кейинги кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусиятлари, кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш алгоритминини шакллантиришга оид илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда кўздан кечириш тергов ҳаракатида далилларни топиш, расмийлаштириш, экспертиза текшируви учун намуна олишнинг энг мақбул тартиб ва усулларини қўллаш, электрон (рақамли) далилларни олиш ва расмийлаштириш тартибини қонунчиликка киритиш ва амалиётда унинг энг мақбул тартибларини қўллаш, топилиши мураккаб бўлган далилларни топишда замонавий технологияларни қўллаш, кўздан кечириш тергов ҳаракати жараёнида инсон ҳуқуқларини бузилишининг олдини олишнинг самарали илмий-назарий ва амалий ечимини топиш ҳамда илмий таҳлил қилиш устувор вазифа ҳисобланади.

Республикада қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-тергов жараёнларида инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида бир қатор тизимли ва самарали ишлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Стратегияда тезкор-қидирув ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтириш, фуқароларнинг кадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса кўздан кечириш тергов ҳаракати бўйича зарур илмий тадқиқот ўтказиш зарурлигидан далолат беради.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати энг қадимий институтлардан бири саналади.

Жиноят ҳолатлари бўйича кўздан кечириш тергов ҳаракати ҳақидаги дастлабки маълумотлар “Ҳиндистоннинг “Ману қонунлари” да акс этган. Унда овчилар жиноятларни изидан аниқлашга, уларнинг ҳаракат йўналишини белгилашга, жиноятчилар сонини аниқлашган”. [1] Ганс Гросс ёзишича, ўша даврдаги изқуварлар йўқолган ҳайвонлар, инсонларни ҳодиса жойини кўздан кечириш орқали топиб бериш билан шуғулланган. “Ҳиндистонда ушбу фаолият билан шуғулланувчи шахслар “кхоях” деб аталган”. [2] “Ҳақиқатни аниқлашда сўлак ва оғизни, тилни кўздан кечириш орқали айбдорлик ёки айбсизликни аниқловчи усуллар ҳам қўлланилган, масалан, гумонланувчининг оғзига қуруқ гуруч доналари қўйилиб савол берилиб унга жавоб олиш учун

тупуриш сўралган, инсон ёлгон гапирганда оғзи қуриб қолиши натижасида гуруч оғиз қисмига ёпишиб қолган”. [3]

“Хитой тиббиёт манбаларидан ҳисобланган “Си-Юань-лу” асарида мурдани кўздан кечиришга оид тартиблар ёзилган бўлиб, унда мурдани кўздан кечириш тартиблари баён қилинган”. [4]

1532 йилда қабул қилинган “Каролина” қонунлари 149-моддасида мурдани расмий кўмилишидан олдин дастлабки мажбурий кўздан кечириш (текшириш) тартиби жорий қилинган.

Ислом дини манбаси бўлган Қуръони Каримнинг Юсуф сурасида Юсуф алайҳисаломга бой аёл ошиқ бўлганлиги ва уйга жалб қилиб эшикни ёпганлиги, Юсуф алайҳисалом уйдан қочиб чиқаман деганда аёл унинг орқа томондан кийимини тортиб йирганлиги ҳамда шу пайтда унинг эри келиб бўлган ҳолатдан изоҳ сўраганда, аёл унга ҳамла қилинганлигини айтганлиги ёритилган. Шунда бир гувоҳ “Агар унинг кўйлаги олд томондан йиртилган бўлса, бас хотин рост айтибдир, у ёлгончидир...”, “агар унинг кўйлаги орт томондан йиртилган бўлса, бас, хотин ёлгон гапирибди, у (Юсуф алайҳисалом) ростгўйлардандир-деди”. [5] Демакки, ушбу оятда кўздан кечириш орқали инсон ҳолатига баҳо берилган ва ҳақиқат аниқланган.

Исломда кўздан кечириш тергов ҳаракати қозилиқлар томонидан амалга оширилиб, инсон тақдирини адолатли ҳал қилишда фойдаланилган. Асосан кўздан кечириш қозилиқ суди фаолият юритадиган жойларда ўтказилган.

“Европада папа Иннокентий III одам ўлдириш жинояти бўйича жабрланувчини ўлими сабабини аниқлашни тиббиёт ходими томонидан кўздан кечириш тартибини жорий қилинган”. [6] “Людовика XIV даврида эса Ордонанс қонунлар тўплами жорий қилиниб, унга кўра, шифокорлар томонидан мурдани кўздан кечириш тартиби белгиланган”. [7]

Кўздан кечириш энг кўп бажариладиган тергов ҳаракатларидан бири бўлиб, ушбу процессуал институтнинг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий жиҳатлари билан боғлиқ масалалар янада қизиқарли ҳисобланади. Бу унинг ҳуқуқий табиатини, шунингдек, замонавий тушунчасининг хусусиятларини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Тергов ҳаракати сифатида кўздан кечиришни ҳуқуқий тушуниш хусусиятларини этимология, тарих ва ҳуқуқ назариясини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш, шунингдек, буларнинг дастлабки тергов жараёнида асосий ўринни эгалловчи кўздан кечириш ҳаракатини мустақил тергов ҳаракати сифатида тушуниш каби замонавий ёндашувни шакллантиришга таъсирини ўрганиш жуда аҳамиятлидир.

“Кўздан кечириш тергов ҳаракати” тушунчасини ҳисобга олиб, унинг этимологиясига яъни “кўздан кечириш” сўзининг маъносига мурожаат қилиш лозим. Шундай қилиб, “кўздан кечириш” кимгадир ёки бирор нарсага турли томондан қараш, батафсил текшириш, атрофга назар ташлаш, баъзи ҳолларда эса текшириш маъноларини англатади”. [8]

Кўздан кечириш ҳаракатини ўтказиш ҳақида тарихда тўғридан-тўғри кўрсатмалар йўқ, лекин қонун нормаларининг талқини бизни Ярославнинг 1016 йилги “Рус ҳақиқати”га олиб боради, унинг 77 - параграфи шундай дейди: “Агар ўғри аниқланмаган бўлса, унда уни излар орқали қидириш лозим; агар из қишлоқ ёки савдо лагерида бўлса, агар одамлар изни тақдим этмаса, терговга бормаса ёки куч ишлатиб буни рад этса, демак, улар ўғирланган нарсани ва княз ғазнасига жарима тўлашларига тўғри келади; агарда из катта савдо йўли устида йўқолган бўлса ва яқин атрофда ҳеч қишлоқ ёки аҳоли яшайдиган манзил мавжуд бўлмаса, унда княз ғазнасига жарима ҳамда ўғирланган нарса тўланмасин”. [9]

Ушбу нормани шарҳлаш ортидан жинойи ҳодисани изларга оид тасвир орқали тиклашда изларнинг бирламчи аҳамият касб этганлигини ва уларни авваламбор тўғри қайд қилиш лозим деган хулосага келиш мумкин. Демак, ушбу ҳолатда кўздан кечириш ҳаракатини амалга ошириш тўғрисида дастлабки ишоралар айнан Ярослав Мудрийнинг Рус Ҳақиқатида берилган десак бўлади.

“Жиноят-процессини тартибга солиш масалалари “Рус ҳақиқати”да келтирилган, унда қидирув жараёни ҳақида айтилган ва у жиноятчи топилгунга қадар чўзилган”. [10] “1550 йилдаги “Суд қонунлари”да “одамларни уриш”, қароқчилик ва талончилик ҳамда тергов ва умумий тинтув ҳолатлари ҳақида баён қилинган”. [11] Бу умумий тинтув жиноятчиларни

ҳибсга олиш ва мол-мулкни тортиб олиш учун қидириш мақсадлари асосида амалга оширилган. “17 аснинг ўрталарида, қидирув, сўроқ қилиш, юзлаштириш, рўйхатга олиш ва буйруқ китобларидан маълумотларни тўплаш каби тергов ҳаракатларини амалга ошириш билан суд-қидирув характерининг умумлаштирилган шакли пайдо бўлган”. [12]

“Биринчи марта кўздан кечириш атамасининг қонунларда акс этиши 1529, 1566, 1588 йилларда Литва Буюк Герцоги Низоми билан тартибга солинган. Хусусан, 1588 йилги Низомнинг IV бўлимининг 9-бандида ушбу ҳаракат натижалари бўйича расмий ҳужжатни тузиш мажбурий эканлиги ҳамда иштирокчиларининг имзоси ва муҳри қўйилиши тўғрисидаги қоида – “квита” киритилган”. [13]

“Кўздан кечириш ҳақидаги кейинги қайдларни 1649 йилги Рус Собор қонунда кўришимиз мумкин бўлиб, унда ҳам кўздан кечириш номини келтирмасдан изларни эслаб ўтиш тенденцияси давом этган”. [14]

Қонун чиқарувчи ўша даврга хос ҳуқуқий саводхонлик туфайли “кўздан кечириш” ва “тинтув” каби икки бутунлай бошқа тушунчаларни бир бирини ўрнида қўллайди. Бироқ мавжуд билимлар асосида, олимлар қонун чиқарувчи воқеа жойини кўздан кечиришни назарда тутган деб ҳисоблайди.

Тергов амалиётида тергов тартиби махсус қирол фармонлари билан тартибга солинган ҳолатлар мавжуд. Пётр I ўз фармони билан судни маъмурий ҳокимиятдан ажратишга ва терговни суд жараёнига киритишга ҳаракат қилган. “1697 йилдаги Пётр I фармонида “суд ва юзлаштириш бўлмади, балки барча ишларни қидирув орқали бошқарилади”, деб ёзилган”. [15]

Кўздан кечириш ҳақида қўшимча маълумотлар 1715 йилги Ҳарбий Артикулда келтирилган бўлиб, унда мурдани судда кўздан кечириш қайд этилган: “Бундай ҳолатда судьяга мурда қайси қурол билан ўлдирилгани ёки жароҳатланганини аниқлаш муҳим ҳисобланган. Судья осонлик билан ўлдириш мумкин бўлган қуроллар: болта, қозик, пичоқ ёки бошқа тигли нарсалар, аксинча, кичик таёқ ва пичоқлар билан бўлса эса ўлдириш осон эмаслиги каби масалалар текширилган”. [16] Ушбу таҳлил, исботлаш усулига жиноятчи томонидан айбига иқроор бўлиш ва гувоҳларнинг кўрсатмаларига қараганда камроқ аҳамият берилган, деган хулосага келиш мумкин. Кейинчалик бу хулоса Совет қонунчилигининг асосини ташкил этган. Бош прокурор ҳисобланган А.Я.Вишинский “тан олиш-далилларнинг қироличаси”, деб ҳисоблаган, бу замонавий жиноят иши юритувининг диаметрик қарама-қаршилиги ҳисобланади.

“Ўша давр олимлари жиноят процессининг назарияси ва амалиётини таҳлил қилиб, (1649 йилдаги Қонунлар тўплами, Пётр I ҳарбий қоида ва низомлари, губернияларни бошқариш тартиби (1775) ва XIX аснинг немис инквизиция жараёни) кабиларни тайёрладилар. Россия империяси қонунлари кодекси 1835 йил 1 январдан кучга кирди”. [17] Қонунлар кодексида жиноят қуролидаги изларни кўздан кечириш ва тадқиқ қилиш, кўздан кечиришни тайинлаш ва ўтказиш ва бошқа тергов ҳаракатлари назарда тутилган эди. Шу пайтдан бошлаб, жиноят изларини тасвирлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш сезиларли даражада ривожланди; ҳуқуқбузарлик натижасида қолдирилган изларни аниқлаш, қайд этиш, олиб қўйиш ва тадқиқ этиш усуллари ва воситаларини ишлаб чиқилди; тергов ва суд ҳаракатларини ўтказиш технологияси ва тактикаси ҳамда айрим турдаги жиноятларни тергов қилиш усуллари яратилди. Шунингдек, ушбу жиҳатлар юзасидан “А.Ф.Кони, В.К.Случавский, Н.Розин, И.Я.Фойнитский, Г.Фельдштейн, К.Арсениев, А.Чебишев-Дмитриев, Ф.Талберг, С.Викторский ва бошқалар” [18] олимлар тадқиқот олиб борганлар. “Тайёргарлик ҳаракатлари, ҳодиса жойида терговчи ҳаракатлари тартиби, ҳодиса (жиноят) жойини кўздан кечириш баённомаси тузилиши дастлаб биринчи Ганс Гросс тадқиқотларида батафсил тасвирланган”. [19]

Франция Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинган (1808 йил) кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби жорий қилинган.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати институтининг биринчи тўла-тўқис тилга олиниши 1864 йилги жиноят иш юритуви Низомида ўз аксини топган бўлиб, унда шундай дейилади:

“Тинчлик судьяси ишга оид қарорини ўз хоҳишига кўра кечиктириши мумкин, агар у кўздан кечиришни ўтказишни зарур деб ҳисобласа ёки тарафларга ёхуд полицияга ишда зарур бўлган ҳар қандай маълумотни тақдим қилиш ёки тўплашга кўрсатма берса”. Низомга кўра, кўздан кечиришга оид ваколатлар тинчлик судьяларига ёки уларнинг номидан маҳаллий полицияга берилган. Ушбу Низомда кўздан кечиришни ўтказишга оид биринчи қоидалар шакллантирилган, шунинг учун 108 қоидага кўра шундай деб айтилган: “Кўздан кечириш, гувоҳлантириш ва тинтув камида иккита гувоҳ ва ушбу ҳаракатларга олдиндан чақирилмаган ҳолда келадиган шахслар иштирокида амалга оширилади”. [20]

Яна бир қоида, фавқулодда ҳоллардан ташқари, кўздан кечиришни кундузги пайтда ўтказиш зарур бўлган. Бундан ташқари, кўздан кечириш давомида “билимдонлар” деб юритиладиган мутахассиснинг иштироки ҳақида ҳам сўз боради. Ҳар қандай соҳада махсус билим керак бўлса, у иштирок этган. Кўздан кечириш якунида барча иштирокчи шахслар томонидан, агар улар саводли бўлса, имзоланадиган протокол тузилган. Шундай қилиб, саводсиз аҳоли протоколларни имзоламаган, протоколни мансабдор шахс томонидан овоз чиқариб ўқиш тартиби таъминланмаган, деган хулосага келиш мумкин.

Низомнинг 4-боби бутунлигича бевосита кўздан кечириш тергов ҳаракатига бағишланган. Демак, бу бобда шундай дейилган: “Кўздан кечириш ва гувоҳлантиришлар давомида суд терговчиси нафақат жиноятнинг аниқ белгиларига, балки жиноят изларини ўраб турган жой ва объектларга ҳам эътибор беради. Агар керак бўлса, у тўғри ўлчовларни ва иложи бўлса, текширилган жойлар ва объектларнинг чизмаларини амалга оширади”.

Ушбу бобнинг талқини бизга ўша пайтда кўздан кечириш 1) ер майдонларини; 2) объектларни кўздан кечириш каби турларга бўлинган деб хулоса қилиш имконини беради. Бу хулоса 330-бандда ҳам ўз тасдиғини топган бўлиб, унда “алоқадор кишилар орқали гувоҳлантириш ва терговга тортиладиган предметлар асосида, суд терговчиси дастлабки ташқи кўздан кечиришни амалга оширади ва жиноятнинг аниқ белгилари, агар мавжуд бўлса, шунингдек текшириладиган объектларнинг ҳолатида юз берган барча ўзгаришлар тўғрисида ҳисобот тузади” баён этилган. Низомнинг муҳим аҳамияти шундаки, унда биринчи марта “моддий далиллар” атамаси ва унга қўйиладиган талаблар пайдо бўлган.

Шундай қилиб, Жиноят ишини юритиш тўғрисидаги Низом “кўздан кечириш” ҳаракатини регламенти билан бирга тергов ҳаракатлари тизимига киргизган биринчи ҳужжатга айланди десак бўлади. Низом, албатта, кўздан кечириш каби муҳим тергов ҳаракатининг шаклланишига катта ҳисса қўшган. Муаллифларнинг фикрича, ушбу Низомнинг камчиликларидан бири кўздан кечириш ва гувоҳлантириш тушунчаларини бирлаштирилганлиги ҳисобланади. Ушбу фикрга қўшиламмиз, чунки икки алоҳида тергов ҳаракатини биргаликда изоҳланиши нотўғри.

Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг ривожланиши ва ўзида қўллаб криминалистик тадқиқотларни қамраб олиши юзлаб криминалист олимларнинг изланишлари сабабли ривожланди. Жумладан, 1885 йилда А.Бертиллон ҳодиса жойида тавсифловчи ва метрик суратга олиш қоидалари, техникаси ва усқуналарини ишлаб чиқди. 1888 йилда Вилгелм Эбер жиноятчи шахсини аниқлаш учун ҳодиса жойида бармоқ изларининг аҳамияти ҳақида кимматли фикрларни билдирган. “Б.Л.Бразол 1916 йилда “Тергов бўлинмаларига оид қиссалар” номли рисоласини нашр этди. Унда турли объектларни (нарса-буюм, ашёвий далиллар, ҳужжатлар ва ҳ.к.) кўздан кечириш тактикаси ва усуллари баён этилган”. [21]

Муаллифнинг сўзларига кўра, “биз асосий эътиборни кўздан кечириш тергов ҳаракатига, яъни кўпинча жиноятнинг очилишига ва моддий ҳақиқатнинг очилишига олиб келадиган тергов ҳаракатларига қаратишимиз лозим. Афсуски, кўздан кечиришнинг алоҳида аҳамияти ҳар доим ҳам бизнинг амалиётчи-юристаримиз томонидан тўлиқ баҳоланмайди”.

Кўздан кечириш тактикасини ҳисобга олган ҳолда, Б.Л.Бразол уни ўтказиш усулларини кўрсатиш билан чекланмайди. У терговчининг самарали текшириш учун зарур бўлган психологик фазилатларини, мантиқий фикрлаш қобилиятини, содир бўлган воқеаларнинг версияларини илгари суриш қобилиятини батафсил тасвирлаб берган. У шундай деб ёзади: “Фақат истеъдод ва техниканинг уйғун комбинацияси доимий ижобий натижаларга олиб

келади”. У шунингдек, кўздан кечириш тергов ҳаракатига масъулиятли муносабатда бўлиш зарурлигига эътиборни қаратади, чунки суд амалда терговчининг камчиликларини текшириш йўли билан тўлдириш имкониятига эга эмас. Бундан ташқари, Бразол сохта ҳужжатларни кўздан кечириш, гумон қилинувчидан дастхатларни қиёсий ўрганиш учун намуналар олиш ва тадқиқот учун материалларни экспертизага юбориш масалаларига тўхталиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини баён қилган. Қўлёзма матнларни кўздан кечириш бўйича тадқиқот усулларини, ҳужжатларни қалбакилаштиришнинг умумий методлари ҳамда уларни идентификация қилиш масалаларини тасвирлаб берган.

Б.Л.Бразол ишининг аҳамиятини баҳолаб, “Криминалистика фанининг шаклланишида унинг роли жуда катта деган хулосага келган бўлсак муболага бўлмайди, чунки у биринчи марта терговда муваффақиятга эришишни терговчининг шахсий фазилатлари ва унинг илмий методикаси билан боғлаган”. [22]

Ўша даврдаги даврий нашрларда ушбу оригинал, аммо жуда кам сонли ишлардан ташқари, “айрим техник янгиликлар ёки тергов усуллари ва бошқалар ҳақида қисқача эслатма ва маълумотларни топишимиз мумкин”. [23]

Кўздан кечиришларга оид кейиги Қонунчилик маълумотномалари 1922 йилдаги РСФСР Жиноят-процессуал кодексларида (айнан шу даврдан бошлаб матнда ЖПК деб юритилган) келтириб ўтилган. Бироқ, ҳатто ушбу кодексда ҳам кўздан кечириш ва гувоҳлантириш аралаш ҳолатда белгиланган, муаллифларнинг фикрига кўра, бу нотўғридир. “Кўздан кечириш” тушунчаси шу даврда ҳам қонуний равишда шакллантирилмаган эди. Бироқ 1922 йилги РСФСР Жиноят-процессуал кодексда кўздан кечириш протоколи ишда далил эканлиги белгилаб қўйилган, (62-модда). “Гувоҳларнинг кўрсатмалари, эксперт хулосалари, ашёвий далиллар, кўздан кечириш баённомалари ва бошқа ёзма ҳужжатлар ва айбланувчининг шахсий тушунтиришлари далил ҳисобланади”. [24]

“Яна бир кодекслардан бири 1929 йилги Жиноят процессуал кодекси бўлиб у 175 моддадан иборат”. [25]

Ушбу кодексга асосан кўздан кечириш тергов ҳаракати қонуннинг турли моддаларида акс эттирилган. Кодекснинг 3 боби далилларни тўплаш деб номланади. Ушбу кодекснинг 22-моддасига кўра, жиноят ҳодисаси юз берганлигини аниқлаштиришга қаратилган фактик маълумотлар далил ҳисобланади. Далил сифатида гувоҳлар кўрсатувлари, кўздан кечириш баённомаси, тинтув ва олиб қўйиш ва бошқа ёзма ҳужжатлар, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, жавобгарликка тортилган шахснинг тушунтиришини киритиш изоҳланган.

32-моддада ашёвий далиллар тўлиқ изоҳланиши, муҳрланиши ҳамда кўздан кечириш баённомаси, тинтув ва олиб қўйиш баённомасида акс эттирилади.

33-моддада давлат сирини билан боғлиқ ҳужжатларни кўздан кечириш масаласи изоҳланган. Ушбу кўздан кечириш тегишли органларнинг белгилаган тартиб ва прокурор билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

34-модда консуллик ваколатхоналар хизмат ёзишмалари кўздан кечирилиши мумкин эмаслиги баён қилинган.

38-моддада кўздан кечириш баённомасида амалга оширилган барча ҳаракатлар кетма-кетликда изоҳланади.

Тарих бу йўл қўйилган хатоларни вақт ўтиши билан баҳолаш имконини берувчи вақт бўлиши баробарида биринчи қадамлар ва уларнинг аҳамиятини кўрсатувчи мезон ҳам ҳисобланади.

Ушбу муҳим мезонлардан бири 1959 йилги Ўзбекистон ССР кодекси саналади. Ушбу кодекс 425 моддадан иборат. Ушбу кодекснинг 3 боби Жиноят ишлари бўйича далиллар деб номланиб, унинг 48-моддаси Жиноят ишлари бўйича исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар деб номланади. Ушбу моддага кўра:

- 1) жиноят ҳодисаси (вақт, жой, усул ва бошқа жиноят содир бўлиш ҳолатлари);
- 2) жиноят содир этилишида айбланувчининг айбдорлиги;
- 3) айбланувчининг жавобгарлик даражаси ва характерига таъсир қилувчи ҳолатлар;
- 4) жиноят натижасида етказилган зарар миқдори ва характерини.

Ушбу ҳолатларнинг барини кўздан кечириш тергов ҳаракати орқали аниқлаш мумкин ҳисобланади. Кўздан кечиришнинг универсаллиги ҳам шунда.

Ушбу кодексда кўздан кечириш тергов ҳаракати гувоҳлантириш билан бирга изоҳланган ҳисобланади ҳамда 14 бобда жойлашган. Ушбу институтларга кодексда 7 та модда бағишланган бўлиб, 161-167-моддаларни ташкил этган.

Кодекснинг 161-моддаси кўздан кечиришни ўтказиш учун асослар деб номланган. Унда жиноят излари ва бошқа ашёвий далилларни топиш, ҳодиса ҳолатлари ва бошқа ишга алоқадор ҳолатларни аниқлаш мақсадида терговчи жойни, бинони, предмет ва ҳужжатларини кўздан кечирилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда воқеа жойини кўздан кечириш жиноят ишини кўзгатишдан олдин ҳам амалга оширилиши мумкин. Ушбу ҳолатда кўздан кечириш тергов ҳаракати яқунланиши билан жиноят иши кўзгатилади.

Кодекснинг 162-моддаси кўздан кечириш тартиби ва вақти деб номланган. Унга кўра кўздан кечириш тергов ҳаракатида холислар иштирок этиши лозимлиги изоҳланган. Кўздан кечириш жойи ушбу тергов ҳаракати тугаллангунга қадар ўраб олиниши ва хавфсизлиги сақланиши мумкин. Фикримизча, ушбу нормани амалдаги жиноят процессуал кодексда ҳам киритилиш мақсадга мувофиқ. Ҳолатдан келиб чиқиб иш жараёнига мутахассислар ҳам жалб қилиниши мумкин ҳисобланади. Ҳолатдан келиб чиқиб терговчи ҳодиса жойи, алоҳида объектларни ўлчаши, фотосуратга олиши, киносёмка қилиши, режалар схемалар тузиши, излардан қолиплар олиши мумкин. Олиб қўйиш ёки тинтув пайтида аниқланган предметлар ва ҳужжатлар ҳодиса жойида текширилади, агарда бу ҳолатлар узоқ вақт талаб қилса муҳрланган ҳолда олиб иш кўрадиган жойига олиб кетиб ўша жойда кўздан кечирилади. Почта, телеграф жўнатмалари ҳам кўздан кечирилиши мумкин ҳисобланади.

Кодекснинг 163-моддаси кўздан кечириш ва мурдани кўздан кечириш деб номланган. Унда мурдани ташқи кўздан кечиришда терговчи суд тиббиёти соҳасида мутахассис бўлган шифокор ёрдамида амалга оширилади. Мурдани ички тана аъзоларини кўздан кечиришда (вскрытие) суд тиббий эксперт томонидан амалга оширилади. Имкон даражасида ушбу жараёнларда терговчи ҳам иштирок этиши лозим ҳисобланади. Фикримизча, амалдаги ЖПКнинг 138-моддаси яъни мурдани кўздан кечиришга оид нормада мурдани ички тана аъзоларини кўздан кечириш тартибини ҳам киритиш керак.

1959 йилги кодекснинг ўзига хослиги унда эксгумация тергов ҳаракати ҳам мурдани кўздан кечиришга оид 163-моддасида берилганлиги ҳисобланади. Ушбу моддаги кўра, терговчи мурдани қабрдан чиқариб олиш учун қарор чиқаради. Чиқариб олиш жараёни терговчи, холислар ва суд тиббиёти соҳасидаги мутахассис, айрим ҳолатларда эса бошқа турдаги мутахассис иштирокида амалга оширилиши мумкин ҳисобланади.

Кодекснинг 164-моддаси гувоҳлантириш деб номланиб, унга кўра гумон қилнувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ ва жабрланувчининг баданида жиноят аломатлари мавжудлиги юзасидан ёки маълум бир воситалар, ашёлар мавжудлигини текширишда амалга оширилади. Ушбу ҳолат суд тиббий экспертиза ўтказишни истисно этган ҳолатларда амалга оширилади. Терговчи гувоҳлантириш учун қарор чиқаради. Қарор кимга нисбатан чиқарилган бўлса ўша инсон учун мажбурий аҳамиятга эга ҳисобланади. Гувоҳлантириш холислар, шуни талаб қилганда мутахассис шифокор иштирокида амалга оширилади. Терговчи бошқа жинс вакилини яланғочлаш билан боғлиқ гувоҳлантиришда иштирок этмайди. Гувоҳлантириш жараёнида инсонни камситиш, соғлиғига хавфли усулда уни ўтказиш таъқиқланади.

Кодекснинг 165-моддаси кўздан кечириш ва гувоҳлантириш баённомаси деб номланиб, унга кўра ушбу ҳаракатларни амалга оширилганда баённома тузилади. Унда терговчи томонидан амалга оширилган ҳамма ҳаракатлар баённомада акс эттирилади.

Кодекснинг 166-моддаси тергов эксперименти деб номланиб, унга кўра жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаштириш ва текшириш учун тергов эксперименти ўтказилади. Унда холис ҳамда шунга эҳтиёж сезилганда мутахассис иштирок этиши талаб қилинади. Ушбу жараёнларга гумон қилнувчи, айбланувчи, жабрланувчи ҳамда гувоҳ иштирок этади.

Эксперимент хаёт учун хавфсиз бўлиши, инсонларнинг шаъни, қадр қимматини топтамаслиги лозим. Ушбу жараёндаги ҳамма ҳаракатлар баённомада ифодаланиши талаб қилинади.

Қиёсий тадқиқотлар учун намуналар олиш тергов ҳаракати ҳам кўздан кечиришга оид бобда акс этган. Терговчи лозим бўлганда гумон қилинувчи, айбланувчидан текшириш учун излар, бошқа намуналарни олиши мумкин. Намуналар олишда педагог, лозим бўлганда унинг ота-онаси иштирок этади, ҳамда тегишли қарор асосида ўтказилиб, жараён тўлиқ баённомада акс эттирилади.

Хулоса қилиб айтганда, кўздан кечириш гувоҳлантириш тергов ҳаракати билан бир бобда акс этирилган, ҳамда эксперимент, гувоҳлантириш, текшириш учун намуналар олиш билан биргаликда акс этирилган. Ушбу тергов ҳаракати тўлиқ баён қилинмаган.

Ушбу кодексда амалдаги кодексдаги кўздан кечиришдаги объектлар яъни теваарак атроф ва ҳайвонларни кўздан кечириш мавжуд эмас.

Амалдаги ЖПКда мурдани ички қисмини очиб текшириш жараёни мурдани кўздан кечириш деб номланган 138-моддада мавжуд эмас. Фикримизча, амалдаги ЖПКга ҳам 1959 йилги мурдани кўздан кечириш тартибдаги нормаларни киритиш лозим.

ЖПКнинг Мурдани кўздан кечириш деб номланган 138-моддада 2-қисм сифатида мурдани ички аъзоларини кўздан кечириш тартибини киритиш таклиф қилинади. Шунда ушбу қисм қуйидаги шакл касб этади:

“Мурдани ички тана аъзоларини кўздан кечириш суд тиббиёт муассасида эксперт томонидан амалга оширилади. Унда кўздан кечиришни ўтказган терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, терговчи, прокурор қатнашиши мумкин”.

Умуман олганда, ушбу қоидалар Артикул Низомининг кўздан кечириш билан боғлиқ қоидаларини такрорлайди. Шунга қарамасдан киритилган қўшимчалардан: 1) кўздан кечиришни амалга оширишда экспертларнинг иштироки; 2) почта ва телеграф ёзишмаларини кўздан кечириш каби мустақил кўздан кечириш турларини ажратилишини билиб олишимиз мумкин.

Совет иттифоқи даврида “кўздан кечириш тергов ҳаракатининг ривожланиши ва концептуал қоидалари Р.С.Белкин ва Ганс Гросснинг илмий нашрларидан фойдаланган ҳолда С.Н.Трегубов, Б.Л.Бразол, И.Н.Якимов, П.И.Тарасов, Р.Адионова, А.И.Винберг, Г.М.Миньковский, Е.Ф.Толмачев, А.Е.Трусов, Б.М.Комаринец, Б.И.Шевченко, Н.В.Терзиев, В.И.Попов, Н.П.Косоплечев, В.П.Ципковский, И.Е.Быховский, Л.В.Виницкий, А.И.Манцветова, Г.В.Карнович, С.И.Поташкин, Г.А.Матусовский, М.Б.Вандер, Д.А.Турчин, В.К.Стринже, П.М.Зуев каби олимлар томонидан таҳлил қилиниб, ўрганилган”. [26]

“Кўздан кечириш тергов ҳаракати мустақил тергов ҳаракати сифатида қонунчиликда батамом 60 йилларга келиб мустаҳкамланди ва бу РСФСР янги Жиноят-процессуал кодексининг қабул қилиниши билан боғлиқ эди, унга кўра жиноят аломатлари мавжуд бўлиб, уларга асосан дастлабки терговни ўтказиш зарур бўлса, суриштирув органи жиноят ишини кўзғатади ҳамда жиноят процессуал қонуни қоидаларига асосан жиноят изларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш учун кўздан кечириш, тинтув, олиб қўйиш, гувоҳлантириш, ушлаб туриш ва гумонланувчини, жабрланганлар ва гувоҳларни сўроқ қилиш каби шошилинч тергов ҳаракатларини олиб боради”. [27]

Ушбу кодексда кўздан кечиришнинг 1) воқеа жойи; 2) атроф муҳит; 3) бинолар; 4) предметлар ва ҳужжатлар; 5) мурдани кўздан кечириш каби мустақил турлари вужудга келтирилган. Ҳамда, кўздан кечиришнинг мақсади қонунан белгиланган: “... жиноят ва бошқа моддий далилларнинг изларини аниқлаш, ҳодиса ҳолатини, шунингдек, иш учун тегишли бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида”. [28] Бундан ташқари, жиноят иши кўзғатилишидан олдин кўздан кечиришни амалга оширишга имкон берилган. Кўздан кечириш ҳаракатини ўтказиш давомида камида иккита холиснинг иштироки мажбурий бўлиши талаб қилинган.

Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг бошқа элементар жиҳатлари турли криминалист олимлар томонидан ўрганилган ва ривожлантирилган. Мисол учун, Баршев “жиноят ва унинг изларини кўздан кечириш” қоидаларини шакллантирди: Унда,

1) ташқи белгилар ва жиноят излари бўлган барча ҳолатларда кўздан кечирилиши зарур;

2) кўздан кечириш объектидаги мумкин бўлган ўзгаришларни бартараф этиш учун максимал тезликда амалга оширилиши керак;

3) кўздан кечиришнинг предмети ва унга боғлиқ барча нарсалар (кўздан кечирилаётган объектга алоқадор нарса-буюмлар) текширилиши керак;

4) кўздан кечириш предмети билан боғлиқ ўзгаришларни батафсил текшириш ва қайд этиш лозим;

5) “кўздан кечириш жараёни ва унинг натижалари тавсифи шунчалик батафсил ва аниқ бўлиши керакки, ушбу ҳужжатлардан фойдаланадиганлар, бу объект орқали аниқ ва тўлиқ тасаввурга эга бўлсинки, худди улар буни ўзлари амалга оширгандек”. [29]

Қизиғи шундаки, Баршев ўзининг “Махсус жиноят турларини тадқиқ қилиш ва кўздан кечириш усули” деб номланган китобининг 4-бобида нафақат тактик, балки услубий тавсияларни ҳам баён қилган. Бунда терговчи учун қотиллик, ўғирлик, қалбакилаштириш, банкротлик жинояти бўйича тергов ҳаракатларининг кетма-кетлиги ва мазмуни ҳақида қарашлар тавсифланган. Масалан, заҳарланиш орқали содир этилган қотилликни тергов қилишда:

1) касаллик ва заҳарланган одам ўлиши мумкин бўлган тутқаноқ ва аломатларни батафсил ўрганиш;

2) заҳарнинг таъсири ва изларини аниқлаш учун танани ташқи кўздан кечириш;

3) марҳумга алоқадор барча овқатлар, ичимликлар, дори-дармонлар ва ҳатто идишларни кўздан кечириш ва синовдан ўтказиш;

4) агар тананинг ташқи юзасида заҳар аломатлари аниқланса, унда танани ёриб кўриш лозим бўлади.

Шунга ўхшаш тавсиялар бошқа процессуал қўлланмаларда ҳам мавжуд, масалан, А.А.Квачевский полиция суриштирув усуллари ва жиноят содир этишнинг турли усуллари ва жиноятчининг шахсини тавсифловчи белгиларни батафсил баён қилган. У бу белгиларни “моддий кўрсаткичлар” деб атади, уларнинг хилма-хиллиги ва маъносини очиб берди.

Квачевский ёзганидек, инсонни энг яхши танитадиган кўрсаткичларидан бири унинг жиноят жойида қолдирган излари бўлиб, улар жуда хилма-хилдир: оёқ, қўл излари, бармоқ излари, оёқ кийими излари, ҳайвон излари, гумонланувчига тегишли турли майда нарсалар ва ҳ.к. А. А.Квачевскийнинг иши “Назарий ва амалий қўлланма” деб номланган китобида алоҳида тергов ҳаракатларини ўтказиш усуллари батафсил тасвирлаб берган. “Улар орасида адабиётларда биринчи марта дастлабки тергов ҳаракатлари гуруҳини ажратиб кўрсатган: кўздан кечириш, гувоҳлантириш, тинтув каби тергов ҳаракатлари”. [30] Муаллифнинг кўздан кечириш баённомасини тузиш бўйича тавсиялари замонавий амалиётга жуда яқин: бунда кўздан кечириш ўтказилган кетма-кетликда кўздан кечирилган ҳар бир нарса-буюмни батафсил тавсифлаш ва ҳодиса жойининг ўзида баённома тузиш тавсия этилган, бунда барча нарсалар аниқланган ва топилган вақтнинг ўзидаёқ баённомага киритилади. Ушбу тавсиялар тинтув, ашёвий далилларни қадоқлаш, сўроқ қилиш, ҳужжатларни текшириш ва бошқа усуллар батафсил кўриб чиқилган.

П.В.Макалинский далиллар билан ишлаш бўйича муайян криминалистик техника ва тавсияларни тавсифи билан бирга, уларни қўллаш масалалари ҳақида баён қилган. У кўздан кечирилаётганда фотографиядан фойдаланиш ҳақида биринчилардан бўлиб тавсиялар ишлаб чиқди. У шундай деб ёзган: “Фотосурат жиноятчи номаълум бўлган қотиллик ҳолатлари бўйича кўздан кечирилганда фойдали бўлиши мумкин: бунда ҳар бир кичик нарса муҳимдир ва шу билан бирга қайси нарсаларга биринчи навбатда эътибор бериш кераклигини ўрганиш қийин. Фотосурат ҳеч нарсани четда қолдирмайди. Қолаверса, қанчалик виждонан ва пухта кўздан кечирилмасин, бир қарашда ҳамма нарсани фотосурат сифатида қабул қила

олмаймиз”. [31] Бундан ташқари, яна бир неча жиҳатларда, П.В.Макалинский Боркман усули ёрдамида оёқ изларининг гипсли нусхаларини олиш усулларини, сўнгра ҳужжатларни текшириш имкониятларини батафсил тасвирлаб берган. Унинг қўлланмасида бошқа тергов ҳаракатлари бўйича кўплаб криминалистик тавсиялар ҳам мавжуд.

XX асрнинг бошларидан сўнг, криминалистик тавсиялар процессуал жиҳатлардан ажрала бошлади ва процессуал мазмунларсиз, оддийгина тавсифланадиган бўлди. С.В.Познышевнинг жиноят процесси бўйича дарслигида фақат ҳодиса жойини суратга олишнинг мақсадга мувофиқлиги, қўл изларини аниқлашнинг аҳамияти, антропометрик ўлчовнинг фойдалилиги ва айбланувчининг бармоқ излари ҳақида гап боради. Бу ҳаракатларни амалга ошириш усулларини муаллиф баён қилмайди; “у терговчига уларни амалга ошириш учун мутахассис ёки криминалистдан ёрдам сўрашни тавсия қилади”. [32]

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг эса 1994 йилга қадар 1959 йилги кодекс амалда бўлган бўлсада, 1994 йил 22 сентябрдан бошлаш кўздан кечиришга оид нормалар кенг изоҳланган Жиноят процессуал кодекс қабул қилинди.

Ушбу кодексда кўздан кечириш тушунчаси 75 марта ишлатилган. 16-боб кўздан кечириш тергов ҳаракатига бағишланган. 135-141-моддалар кўздан кечириш тартибини изоҳлашга қаратилган ҳисобланади. Кодексдаги ушбу моддаларнинг тадрижий ривожланиш даврийлигини таҳлил қилсак.

“2017 йил 6 сентябрда кўздан кечириш тергов ҳаракатини терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси ҳам амалга ошириши мумкинлигига оид норма киритилди”. [33] ЖПКнинг 136-, 137-, 139-, 140-, 141-моддаларида ҳам терговга қадар текширув мансабдор шахси сўзлари киритилган ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, 1994 йилдан 2017 йилгача яъни 23 йил давомида ушбу тергов ҳаракатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмаган. 2017 йилдан ҳозирги кунга келиб ҳам ушбу тажриба қўлланишда давом этмоқда. Демакки, ушбу ҳолат ЖПКнинг кўздан кечиришга оид нормаларини замон талабларидан келиб чиқиб ривожлантириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Законы Ману, ст. 44 глава VII. Интернет манзили: (Laws of Manu, Art. 44 Chapter VII. Internet manzili:) www. <http://ru.wikipedia.org/wiki>.
2. Гросс Г. Руководство для судебных следователей как система криминалистики. 4-е изд. – СПб., 1908. – С. 188. (Gross G. Guide for forensic investigators as a system of criminalistics. 4th ed. - SPb., 1908. - P. 188.)
3. Астанов И.Р. “Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари” номли DSc докторлик диссертацияси. – Тошкент. 2020. 16 б. (Astanov I.R. DSc doctoral thesis entitled "Procedural and criminalistics aspects of the use of special knowledge in criminal cases". - Tashkent. 2020. 16 p.)
4. Uematsu Tadashi. His-yüan chi-lu // Sung A Bibliography / Ed. By Y. Hervouet. – Honkong, 1978. – P. 186.
5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Иккинчи нашр. 3-жуз. 165 б. (Sheikh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. Tafsir Hilal. Second edition. Part 3. 165 p.)
6. Целцов М.А. Уголовный процесс. – М., 1948. – С. 306. (Tselstov M.A. Criminal process. - M., 1948. - P. 306.)
7. Чельцов-Бебутов М.А. Курс уголовно-процессуального права. – Санкт-Петербург, 1995. – С. 255. (Cheltsov-Bebutov M.A. Course of criminal procedure law. - St. Petersburg, 1995. - P. 255.)
8. Толковый словарь Ожегова. (Explanatory dictionary of Ozhegov). URL:<https://slovarozhegova.ru/letter.php?charkod=209>.

9. Русская Правда (Пространная редакция). Russian Pravda (Large edition). URL: <http://drevne-rus-lit.niv.ru/drevne-rus-lit/text/russkaya-pravda-prostrannaya/russkaya-pravda-prostrannaya.htm>.
10. Сысоев Н.Г. Жандармы и чекисты. От Бекендорфа до Ягоды. М., 2002. С. 409-412. (Sysoev N.G. Gendarmes and Chekists. From Beckendorf to Yagoda. M., 2002. P. 409-412.)
11. Власов В.И. История судебной власти в России. М.: Компания спутник», 2003. С. 214. (Vlasov V.I. History of the judiciary in Russia. Moscow: Sputnik Company, 2003, p. 214.)
12. Сыромятников Б.П. Очерки истории суда в древней и новой России // В Сб. Судебная реформа. С. 47-49. М., 1915. С. 133-137. (Syromyatnikov B.P. Essays on the history of the court in ancient and new Russia // In Sat. Judicial reform. pp. 47-49. M., 1915. P. 133-137.)
13. Статут Вялшага княства Льюускага 1588 года: Тэксты. Давед. Камент. / Беларус. Сав. Энцыкл. ; рэдкал. І. П. Шамякш (гал. рэд.). Мшск: БелСЭ, 1989. С. 147. (Statute of the Grand Duchy of Liouski in 1588: Texts. Help. Comment. / Belarus. Sav. Encyclical. ; editor I. P. Shamyaksh (Gal. ed.). Mshsk: BelSE, 1989. P. 147.)
14. Тихомиров М.Н., Епифанов П.П. Соборное уложение 1649 года. М.: Изд-во МГУ, 1961. (Tikhomirov M.N., Epifanov P.P. Cathedral Code of 1649. M.: Publishing House of Moscow State University, 1961.)
15. Юшков С.В. История государства и права России (IX - XIX вв.). Ростов-на-Дону, 2003. С. 568. (Yushkov S.V. History of the state and law of Russia (IX - XIX centuries). Rostov-on-Don, 2003. P. 568.)
16. Артикул воинский. (Military article.) URL: <http://www.hist.msu.ru/ER/Etext/articul.htm>.
17. Кустов А. М. История становления и развития Российской криминалистики. М., 2005. С. 39. (Kustov A. M. The history of the formation and development of Russian criminalistics. M., 2005. P. 39.)
18. Кони А.Ф. Введение, «Систематическому комментарию к Уставу уголовного судопроизводства». Вып. 1. М., 1915; Фойницкий И.Я. Курс уголовного судопроизводства. СПб, 1910. СПб, 1996; Арсеньев В.К. Собр. Соч. Т. 2. Хабаровск, 1949. (Koni A.F. Introduction, "Systematic Commentary on the Charter of Criminal Procedure". Issue. 1. M., 1915; Foinitsky I.Ya. Course of criminal justice. St. Petersburg, 1910. St. Petersburg, 1996; Arseniev V.K. Sobr. Op. T. 2. Khabarovsk, 1949.)
19. Ганс Гросс. Руководство для судебных следователей как система криминалистики. Новое изд., перепеч. И изд. 1908 г. М.: Лекс-Эст, 2002. С. 153-169. (Hans Gross. A guide for forensic investigators as a forensic system. New ed., reprint. and ed. 1908 M.: Lex-Est, 2002. P. 153-169.)
20. Устав уголовного судопроизводства (утратил силу). URL: <https://constitution.garant.ru/history/act1600-1918/3137>. (Charter of criminal proceedings (repealed). URL: <https://constitution.garant.ru/history/act1600-1918/3137>.)
21. Белкин Р.С. Криминалистическая энциклопедия. М., 2000. С. 23-24, 323. (Belkin R.S. Forensic Encyclopedia. M., 2000. P. 23-24, 323.)
22. Бразоль Б.Л. Очерки по следственной части. История. Практика / Бразоль Б.Л. Петроград, 1916. 53 с. (Brazol V.L. Essays on the investigative part. Story. Practice / Brazol V.L. Petrograd, 1916. 53 p.)
23. Буринский Е. Современное состояние судебно-фотографической экспертизы // Юридическая газета. 1895. № 72, 81, 90 и др.; Козлов Н.А. К вопросу о производстве экспертизы в суде // Судебная газета. 1894. № 39; Раценецкий С.В. Гипсовые слепки со следов // Вестник полиции. 1911. № 18; Сергеевский Н. Немые свидетели (практика осмотров) // Вестник полиции. 1907. № 1; Попов А. Осмотр места преступления // Вестник полиции. 19134. № 18; Дактилоскопия и антропометрия // Вестник полиции. 1908. № 42 и др. (Burinsky E. The current state of forensic photographic expertise // Legal newspaper. 1895. no. 72, 81, 90 and others; Kozlov N.A. To the question of the production of expertise in court // Sudebnaya gazeta. 1894. No. 39; Ratsenetsky S.V. Plaster casts from footprints // Police Bulletin. 1911. No. 18; Sergeevsky N. Silent witnesses (the practice of

- examinations) // Police Bulletin. 1907. No. 1; Popov A. Inspection of the crime scene // Police Bulletin. 19134. No. 18; Fingerprinting and anthropometry // Police Bulletin. 1908. No. 42 and others....)
24. Уголовно-процессуальный Кодекс РСФСР от 25 мая 1922 года. (Code of Criminal Procedure of the RSFSR of May 25, 1922.) URL:<http://docs.cntd.ru/document/901757376>.
 25. Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской Советской Социалистической Республики. ЦИК Советов УзССР 29 июня 1929 № 133—СУ 1929 № 24 ст. 95. (Code of Criminal Procedure of the Uzbek Soviet Socialist Republic. Central Executive Committee of the Soviets of the Uzbek SSR June 29, 1929 No. 133 - SU 1929 No. 24 Art. 95.)
 26. Белкин Р.С. Очерки криминалистической тактики. Волгоград, 1993. С. 144-154. (Belkin R.S. Essays on forensic tactics. Volgograd, 1993. P. 144-154.)
 27. Уголовно-процессуальный Кодекс РСФСР от 27 октября 1960 года. (Code of Criminal Procedure of the RSFSR of October 27, 1960.) URL: http://www.libussr.ru/doc_ussr/usr_5601.htm.
 28. Уголовно-процессуальный Кодекс РСФСР от 27 октября 1960 года. (Code of Criminal Procedure of the RSFSR of October 27, 1960.) URL: http://www.libussr.ru/doc_ussr/usr_5601.htm.
 29. Баршев Я. Основания уголовного судопроизводства с применением к российскому уголовному судопроизводству. Спб. 1841. С. 51. (Barshev Ya. Grounds for criminal proceedings with application to Russian criminal proceedings. SPb. 1841. P. 51.)
 30. Квачевский А. А. Об уголовном преследовании, дознании и предварительном исследовании преступлений по судебным уставам 1864. Ч 2.СПб, 1867. С. 233. (Kvachevsky A. A. On criminal prosecution, inquiry and preliminary investigation of crimes according to judicial charters 1864. Ch 2. St. Petersburg, 1867. P. 233.)
 31. Макалинский Н.В. Практическое руководство для судебных следователей, состоящих при окружных судах. Ч. 2. Вып. 1. Спб., 1901. С. 256-257. (Makalinsky N.V. A practical guide for judicial investigators attached to district courts. Part 2. Issue. 1. SPb., 1901. P. 256-257. Kvachevsky A. A. On criminal prosecution, inquiry and preliminary investigation of crimes according to judicial charters 1864. Part 2. St. Petersburg, 1867. P. 233.)
 32. Познышев С.В. Элементарный учебник русского уголовного процесса. М., 1913.С. 253. (Poznyshv S.V. Elementary textbook of Russian criminal procedure. M., 1913.S. 253.)
 33. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2017 й., 36-сон, 943-модда. (As amended by the Law of the Republic of Uzbekistan No. ORQ-442 of September 6, 2017 — NGO of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 36, Article 943.).



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000